**Кунниннг муҳим воқеалари**

2024-yil 26-sentabr, payshanba

№118 (5026)

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

# Ishonch

• Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 25 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган **Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилишида иштирок этди.**

Давлатимиз раҳбари йиғилишнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлади ҳамда тадбир доирасида бир қатор учрашувлар ўтказди.

• • • • •



Ўзбекистон Республикаси Президенти **«Ўзбекистон Республикасида тиббий ва соғломлаштириш туризмини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** қарор қабул қилди.

• • • • •




Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси **Бахтиёр Исломов бошчилигидаги делегация Урумчи шаҳрида** бўлиб ўтган «Марказий Осиё – Хитой» Олий судлари раисларининг биринчи йиғилишида иштирок этди.

• • • • •



Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири **Илҳом Маҳкамов** ва Хитой Халқ Республикаси транспорт вазири **Ли Сяопен** ўртасида Пекин шаҳрида **музокаралар бўлиб ўтди.**

• • • • •



Пойтахт ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари **Санжар Тожиев** ва Хитойнинг Нанкин шаҳар халқ вакиллари Доимий қўмитаси бошлиғи ўринбосари **Ху Ванцзин бошчилигидаги делегация вакиллари ўртасида учрашув** ташкил этилди.

• • • • •



«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ матбуот хизматининг маълум қилишича, қарийб 4 ярим йиллик танаффусдан сўнг «Тошкент – Москва – Тошкент» йўналишида поездлар ҳаракатини амалга ошириш учун «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖда ишлаб чиқарилган замонавий, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган, купе ва плацкарт вагонлар ҳамда вагон-ресторан ажратилди.

## Куз тароватни. Тошкент.



Эъзоза УМРЗОҚОВА олган сурат.

*Касаба уюшмаси аралашгач...*

## ТАЪТИЛ ПУЛИ УНДИРИЛДИ

**Гулистон агротехнологиялар техникуми махсус фан ўқитувчиси Нигора Жўраева 2023 йилнинг 3 июлидан меҳнат таътилига чиқди. Бу орада фарзанд кўриб, туғуруққача ва туғуруқдан кейинги таътилни олгач, бола парвариши билан машғул бўлди. У бу таътиллар пулини олди-ю, бироқ меҳнат таътили пулини олишга келганда иш берувчининг масъулиятсизлиги оқибатида Меҳнат кодексининг 233-моддаси талаблари қўпол равишда бузилди.**

– Касаба уюшмаларига ишончим баланд, – дейди Нигора Жўраева. – Шу сабаб таътил пулларимни ундириб беришда амалий ёрдам сўраб, вилоят кенгашига мурожаат қилдим.

Мурожаат қаноатлантирилди. Касаба уюшмалари аралашуви билан Н.Жўраевага тўланмай қолган 6 710 213 (олти миллион етти юз ўн минг икки юз ўн уч) сўм унинг пластик картасига ўтказиб берилди.

**Ширинхон УМАРАЛИЕВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори*

*Таҳлил*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан корхона ва ташкилотларда тегишли норматив ҳужжатлар асосида «Гендерга оид аудит» тадбирлари ўтказиб келаётганидан кўпчиликнинг хабари бор.**



## БАРЧАСИ КЎНГИЛДАГИДЕК

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги тасарруфидаги «Ўзметкомбинат» АЖда айни масала доирасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятида гендер тенгликни таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсиз иш шароитларини яратиш йўлида самарали ишлар олиб борилган. Айниқса, ишчи-ходимларнинг соғлом овқатланиши доимий назорат остида. Шу боис ташкилот «Соғлиқ муҳофазаси ва хавфсиз меҳнатни таъминлаш менежменти» бўйича ИСО 45001:2018 халқаро стандарт талабларига мувофиқ сертификатни қўлга киритган.

**Муқаддас МУЙИТДИНОВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат техник инспектори*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

**12 11**

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



*Ўқув*

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВАКИЛЛАРИ ЎҚИТИЛДИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекторлари томонидан тиббиёт муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар билимларини ошириш мақсадида қатор ўқувлар ташкил этилмоқда.

Шундай ўқувларнинг навбатдагиси Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтди. Унда ходимлар учун муносиб меҳнат шароити яратиш, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, хавфсизлик талабларига риоя қилиниши бўйича вакилларга тушунтиришлар берилди.

Шунингдек, иш берувчи ва ходимларнинг меҳнат муҳофазаси талабларини бажаришдаги масъулиятини ошириш, жумладан, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар юзасидан ўз вақтида текшириш ўтказиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ижросини назорат қилувчи давлат органи кўрсатмаларини белгиланган муддатларда бажаришни таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини етарлича молиявий таъминлаш, меҳнат шароитлари ва муҳофазасига оид тегишли назоратни таъминлаш каби масалалар ҳам муҳокама марказида бўлди.

**Равшанбек ФОЗИЛОВ,**
*Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори*



Муносабат


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА НУРОНИЙЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

# ЎЗБЕКИСТОН БОЙЛАР ЮРТИГА АЙЛАНИШИГА ИШОНАМАН!

***«Докторхона деганда Сотиболдининг кўз олдига извош ва оқ подшонинг сурати солинган 25 сўмлик пул келар эди...».*** **Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясидаги шу бир жумла камбағал инсоннинг ҳолатини, фикрлаш доирасини, теварак-атрофидаги ҳодисаларга муносабатини борича тасвирлаб беради. Зеро, турмуш ўртоғи ҳаёт билан олишаётганида Сотиболди унга бирор ёрдам бера олмади. Шифохонада даволатиш учун маблағ тополмади. Бу ниҳоятда ачинарли ҳолат. Тўғри, унинг хўжайини бой ва қўлида 25 сўмлик пуллар кўп эди. Эҳтимол, шу одам зиқналик қилмаганида бир хонадон бекаси оёққа туриб кетган, болалари унинг бағрида ўсиб-улғайган, оила аъзолари бахтли ҳаёт кечирган бўлармиди?.. Афсус, амалда бундай бўлмади. Охир-оқибат Сотиболдининг камбағаллиги-ю бошқаларнинг инсон тақдирига бепарволиги туфайли бемор аёлнинг жони узилди...**

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва республика нуронийларининг Ўзбекистон халқига Мурожаатини ўқиётганимда ундаги «Камбағаллик кулфатдир, у бир одамнинг эмас, жамиятнинг, халқнинг камчилиги, хатоси, эътиборсизлиги, лоқайдлиги ҳосиласидир» деган жумла Сотиболди оиласининг ачинарли тақдирини ёдимга солди.

Дарвоқе, камбағалнинг еб-ичишида ҳам, юриш-туришида ҳам ҳаловат бўлмайди. На тўйиб овқатланади, на касал бўлганида тузукроқ даволанади. Умуман олганда, қашшоқ одамлар бир амаллаб рўзғорини юритиш ташвишидан ортмайдилар. Кўпчилигининг мамлакат тараққиёти, юрт ва миллат равнақи ҳақида бош қотиришга ҳоли ҳам, хоҳиши ҳам бўлмайди. Шу боис жамиятда бойлар кўпайиши, одамларимиз фаровон турмуш кечириши, тўкин шароитларда яшаши жуда муҳим. Давлат ривожи учун энг долзарб вазифа ҳам аслида шу!

Болалигим ўтган қишлоқда камбағал, ўта қашшоқ оилалар кўп, баъзиларининг ейишга бир бурда нони ҳам йўқ эди. Бироқ айримларига кимдир ёрдамлашмоқчи ёки бирор ишни бажаргани эвазига пул бермоқчи бўлса, улар қатъиян рад этишар, гўёки ўзларини камситилгандай ҳис қилишарди. Кимдир уларни ориятли баланд деб алқаса, бошқалар ғururидан бошқа ҳеч вақоси йўқ, дейишарди. Мен ҳам ўша кезлар уларни ориятли ҳисоблаганман. Токи исломда бу ҳолат қораланишини билгунимга қадар шундай фикрда бўлганман.

Диний манбаларда қайд этилишича, Яратган эгамиз уч тоифа инсонни шафоат қилмайди ва уларга ўгирилиб ҳам қарамайди. Ўша тоифанинг бири кибрга берилган фақир ва камбағал инсонлар бўлади. Сабаби, бой одам қандайдир ютуққа эришгани, катта миқдорда маблағи борлиги учун манманлик қилади. Камбағалнинг эса, ҳеч вақоси бўлмай туриб, берилган ёрдамларни ҳам рад этиши, кибрланиши аянчли ҳолатдир. Зотан, меҳнатнинг айби йўқ. Бир донишманд айтганидек, камбағал бўлиб туғилиш эмас, камбағал ҳолда ўлиш уятдир.

Камбағалликка сабаб бўлаётган омиллардан яна бири собиқ шўролар тарбияси таъсирида ота-оналаримиз бизни оддийроқ ҳаёт кечиришга даъват этишгани бўлса керак. Масалан, қизларга «Сен келажакда турмушга чиқадиган йигит бир оғиз қаттиқ нон еса ҳам яхши инсон бўлса бўлгани», деб тушунтиришади. Ниятнинг яримталигини кўряпсизми? Ҳолбуки, бой-бадавлат, соғлом-бақувват, иймонли яхши инсонга турмушга чиқишинг керак деб уқтирса ҳам бўлади. Ёки бўлмаса, «Бир бурда нонга қорнинг тўяди, пул топиш учун ўзингни ҳадеб ўққа-чўққа уравермa» деган гапни олайлик. Бир пайтлар бувижонларимизнинг насиҳатлари мана шундай фикрлар билан йўғрилган эди. Уларнинг мағзи чақиб кўрилганида, бироз дангасаликка тарғиб этиш борлигини пайқаш мумкин.

Президентимиз қайта-қайта такрорлайдиган ва Мурожаатда ҳам алоҳида эътибор қаратилган қуйидаги масала ҳам ниҳоятда ташвишланарли: «Камбағалликни қисқартиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар орасида барчамизнинг кўз ўнгимизда кенг оммалашаётган, халқимизнинг азалий урф-одатларига ёт бўлган дабдабабозлик, исрофгарчиликлар, кимўзарга тўй-маъракалар ўтказиш, ҳашаматли иморатлар солиш кабиларни келтириб ўтиш мумкин». Буларнинг қаторига мен ўзини кредит балосига гирифтор қилиб қиммат автомобиллар сотиб олишга интилишларни ҳам киритган бўлардим.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. 2006 йили Жанубий кореялик бир қиз билан яқин дўст тутиндим. Ўша пайтлар халқимиз чиндан ҳам ночор ҳаёт кечирарди. Корейс дугонам навбатдаги суҳбатимиз чоғи отаси ўз мамлакатидаги йирик компаниялардан бирида ишлаши ва 30 минг доллар миқдорида маош олиши ҳақида гапириб берди (Бизда ҳозир ҳам бунча иш ҳақи тўлайдиган компания йўқ).

– Отам кўп пул топгани билан ўзига автомашина харид қилишни истамайди. Шунга қарамай, биров уни камбағал деб камситмайди. Мен учун сизнинг юртдошларингиз ўзини азобга қўйиб бўлса ҳам уй ва машина харид қилишга интилаётгани жуда ажабланарли. Дабдабали тўйларингизни кўрганда, янада кўпроқ таажжубланаман. Ўша тантана эгалари бунақа ортиқча дабдабабозликка зўр бергандан кўра, фарзандлари келажаги учун сармоя ажратсалар ёки бизнес билан шуғуллансалар ва бошқа фойда келтирувчи ишлар билан шуғуллансалар бўлмайдими? Кишининг бой ёки камбағаллигини нечта уйи ва машинаси борлигига қараб белгилаш ғалати эмасми?..

Менинг ўша пайтдаги тушунчам бўйича бой инсонларнинг ҳар бирида, албатта, қимматбаҳо машина ва уй бўлиши шарт эди. Инчунин, чет эллик дугонамнинг фикрини маъқулламадим.

Ўшандан буён орадан қарийб йигирма йил ўтди. Ҳозир халқимизнинг турмуш шароитлари анча яхшиланиб, ҳаёти фаровонлаша бошлаган. Одамларнинг бой бўлиш ҳақидаги тушунчалари ҳам ўзгарган. Мен эса дугонамнинг гаплари тўғрилигини энди-энди англаб етаяпман. Чиндан ҳам, баъзиларимизда моддий жиҳатдан том маънода бой одамга айланишдан кўра, ўзини бой қилиб кўрсатишга уриниш кучлироқдек. Шундан бўлса керак, айримларимиз қимматбаҳо машина олиш, ҳашаматли уй-жой харид қилиш васвасасида кредит олишга ружу қўяяпмиз. Орқа-олдига қарамай, ўнлаб кредитлар олаётган оилаларнинг моддий қийинчиликлар гирдобида улғаяётган фарзандлари тақдири эса алоҳида мавзу!

«Қиз фарзанд ўқиб, дунёни олиб берармиди? У бировнинг хасми бўлса...» деган иддао билан ўз дилбандининг контракт пулини тўлашда зиқналик қилаётган қанчадан-қанча ота-оналар уларни қарзга ботиб бўлса-да, дабдаба билан турмушга узатаётгани, сандиғини, етмаганига куёвининг уйини ҳам тўлатиб бераётгани, афсуски, бугунги кунимизнинг энг оғриқли муаммоларидан биридир. Яқинда бир блогер ажойиб ҳисоб-китобларга асосланган фактларни тақдим этди. У «Дабдабали тўйларимиз бўлмаганида одамларимизнинг қанча пули тежалиб, чўнтагида қолар эди?» деган саволни ўртага ташлади. Унга жавобан Тошкентда тўй қилишга сарфланадиган харажатларни келтирди. Айтишича, ўртача 100 минг доллар атрофида маблағ ишлатилар экан. Ана энди пойтахтда қанча аҳоли яшашини-ю уларнинг тўй-ҳашамларга ортиқча сарфлайдиган пуллари тежаб қолинса, оилалар турмуши нечоғли фаровонлашишини ўзингиз ўйлаб кўраверинг.

Мурожаатнинг энг таъсирли қисми эса мана бу: «Камбағалликка тушиб қолган ҳар бир инсонга муносабатимизни ўзгартирайлик! Бундай инсонларни бегона эмас, ўз биродаримиз, фарзандимиз қатори ардоқлайлик, уларга шу муқаддас Ватанга бўлган муҳаббат ҳиссини тарғиб қилайлик, имконимиз борича уларни муносиб яшаш учун рағбатлантирайлик, ҳар жиҳатдан ёрдамлашайлик!».

Бу гаплар бежиз айтилмаган. Ён-атрофимизда яшаётганларнинг бири бой, бири камбағал, бири қашшоқ, бошқаси ўртаҳол. Уларни доим четдан туриб кузатамиз. Лекин ўз яқинимиздек ғамхўрлик қилиш кераклиги, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз мумкинлиги ҳақида кўпинча ўйлаб кўрмаймиз. Агар камбағалликни қисқартиришни умуммиллий ҳаракатга айлантирсак, бунинг учун ҳар биримиз қўлимиздан келган бир вазифани адо этсак, юртимиз бойлар юртига айланиши тезлашади. Пировардида биз бадавлат мамлакат фуқаролари сифатида тан олинамиз.

Шундай экан, мен ушбу умуммиллий ҳаракатга қўшилишга бажонидил тайёрман. Сиз-чи, азиз юртдош?!.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**
*«ISHONCH»*

Анжуман

# КАСАБА УЮШМАСИ РАИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан унинг Чирчиқ шаҳар кенгаши фаолиятини такомиллаштириш, касаба уюшмаси хизматини яхшилаш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя – ижтимоий ривожланишнинг асоси» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Ушбу тадбир очиқ муҳокамалар, ҳамкасблар иш фаолиятидаги масалалар қизғин ва батафсил кўриб чиқилгани билан фойдали бўлди.**



### ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ МЕҲНАТ КОДЕКСИГА МОСМИ?

Тадбирда Чирчиқ шаҳридаги боғча ва мактабларнинг бошланғич касаба уюшмаси раислари иштирок этдилар. Дастлаб Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари **Маҳмуд Бобоёров** тизимдаги педагоглар ва ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида юзага келаётган ҳолатлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида гапириб, зарур тавсияларни берди.

Маълум бўлишича, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси қабул қилинганига бир йилдан ошганига қарамасдан, ҳалигача айрим таълим муассасаларида меҳнат шартномаларига кодексдан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритилмаган. Ваҳоланки, педагогларнинг таътилида, қўшимча таътил кунларини ҳисоблашда қатор ўзгаришлар бўлди. Улар меҳнат шартномаларида аллақачон акс этиши керак эди. Шунингдек, жойларда ходимлар иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилганда, баъзи бошланғич касаба уюшмаларининг иштироки сезилмаётган бўлса, айрим касабачилар раҳбарга тарафкашлик қилаётгани, ходимнинг ишда қолиши ёки ишлашга номуносиблиги ҳақидаги қарорни чиқариш белгиланган 10 кун муддатдан ўтиб кетаётгани, натижада иш берувчилар касаба уюшмаси қўмитасининг қарорисиз ходимни ишдан бўшатаётгани айтилди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик кераклиги таъкидланди. Касаба уюшмаси раислари ҳар қандай вазиятда ҳам қонун томонида бўлишга, атрофида бўлаётган ўзгаришларга уйғоқ нигоҳ билан, виждонан ва раҳбарлар таъсирига тушмай, холис ёндашишга чақирилди.

### КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИНИ ИШГА СОЛИНГ!

Ўқув-семинарда янграган навбатдаги даъват шундай бўлди. Албатта, касаба уюшмасининг хулосаси аъзолар томонидан сайланган касаба уюшма қўмитаси вакиллари билан янада кучаяди.

– Касаба уюшма раиси бирор хулосага келишда, албатта, қўмита билан ҳамфикр, бамаслаҳат иш тутиши керак. Шундагина унинг хулосасини раҳбар ҳам жиддийроқ қабул қилади. Жойларда бўлганимизда, айрим касабачилар қўмита вакиллари билан ишламагани, ҳатто уларнинг исм-шарифларини билмаслиги маълум бўлди. Ваҳоланки, ҳар бир ҳолатда қўмитани ишга солиш лозим, – деди Маҳмуд Бобоёров.

### МУДДАТЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

Амалиётда кузатилаётган ҳолатлар ҳақида гапирган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси **Республика кенгашининг Бош юрисконсульти Дилбар Муҳаммедалиева** охирги пайтлар жойларда янги ишга келган раҳбарлар барча ходимлар билан қайтадан муддатли меҳнат шартномаси тузаётгани тез-тез учраётганига тўхталди.

– Аслида бу нотўғри, қонунчиликка мутлақо зид. Муддатли меҳнат шартномаси декретга кетган ходимнинг ўрнига вақтинчалик ишга олинаётган ёки соатбай тарзда ишловчи ходимлар билан тузилишини кўп кузатамиз. Сизлар ўз ташкилотингизда муддатли меҳнат шартномаси тузилишини назорат қилишингиз керак. Агар касаба уюшмаси раиси яхши ишласа, ўша ташкилотда ноқонуний ишларнинг олди олинади. Қуйи тизимда касаба уюшмаси қанчалик фаол бўлса, ўз ишини яхши билса, меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатлари, юқори турувчи органларга мурожаатлар камаяди. Яқинда бир гуруҳ ходимлар



таълим даргоҳига чақиришди. Борсам, бир йил олдин келган раҳбар барча ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузгани боис, бир йил ўтиб, кетма-кет камчиликка йўл қўйган 5-6 нафар ходимни ишдан бўшатиш арафасида экан. Раҳбарнинг олдига кириб, барча ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ноқонуний эканини, оқибати яхши бўлмаслигини тушунтириб, уни қароридан қайтардим. Ва яна ходимлар билан ҳам гаплашиб, ҳар бир ходимни ўз вазифаларига жиддий қарашга, жамоада соғлом муҳит яратишга ундадим. Ходимлар ўз хатоларини англаб етиб, яхши ишлашга ваъда беришди. Раҳбар ҳам хатосини тушунди. Муддатли меҳнат шартномаларини бекор қилиб, одатдагидек меҳнат шартномаси тузди. Натижада ходимлар ўз ишига ишонч билан, эртасидан хавотирсиз ишлай бошладилар.

### МАБЛАҒЛАР ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАНИШИ НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Кейинги муҳим масала маблағларнинг тақсимланиши бўлди. Айни пайтда амалиётда туман кенгашлари таълим муассасалари учун байрамлар ва бошқа харажатларни тақсимлайди. Бошланғич касаба уюшмаси раисларидан «Ҳар бир ташкилот ўз маблағини ўзи тасарруф этса бўлмайдими? Баъзида катта ташкилотларга ҳам, кичик ташкилотларга ҳам байрам совғалари ёки санаторийга йўлланмалар нега бир хил тақсимланади?» деган мазмундаги саволлар келиб туради. Бу гал ҳам шундай масала кўтарилди. Шунга жавобан туман ва шаҳар мутахассисларига эътирозлар ўринли экани ва бу масалага тўғри ёндашиш лозимлиги уқтирилди. Спорт, маданий тадбирлар ва бошқа харажатлар улуши қанчадан қанчагача бўлиши кераклиги борасида кўрсатмалар ҳам берилди.

### ИНТЕРАКТИВ ЎЙИНЛАР – МАҲОРАТ ЧАРХИ

Ўқув-семинарнинг иккинчи ярмида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси **Республика кенгашининг бош мутахассиси Лазокат Турикова «Жамоаларда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшма қўмитаси раисларининг роли»** мавзусида қизиқарли чиқиш қилди. Маърузачи туман ва шаҳар кенгашлари раисларининг асосий вазифаси ходимлар тақдири билан қизиқиш, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш эканлигини эслатар экан, бу борадаги ҳужжатларга тўхталиб ўтди:

– Мутахассисларнинг таъкидлашича, ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир жуда яхши қонунчилик базаси мавжуд. Айни пайтда судларда кўрилган ишлар ҳам 99 фоиз ҳолатда ходимлар фойдасига ҳал бўлмоқда. Демак, ишига виждонан ёндашиб ишлаган касаба уюшмаси раиси ёки туман ва шаҳар вакили ўз жамоасини қўллаб-қувватлаши ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун барча ҳуқуқий имкониятлар етарли. Қўмита раиси иш берувчи ва ходим ўртасида кўприк вазифасини ўтаб, жамоада соғлом муҳит яратиши лозим. Бунинг учун қонунчиликни яхши билиши, Меҳнат кодекси ва ишга доир ҳужжатлар мазмуни билан мунтазам танишиб бориши ҳамда ўз устида ишлаши зарур.

Шундан сўнг иштирокчилар «Иш берувчилар» ва «Касаба уюшма қўмитаси» гуруҳларига бўлиниб, муаммоли вазиятларда тўғри қарор ва хулоса чиқариш бўйича интерактив ўйинлар ўтказишди. Бу жараёнда янги касаба уюшмалари раиси бўлиб иш бошлаган ва ёш ҳамкасблар ўзлари учун амалий тажриба тўплаш имконига эга бўлишди.

Тадбир якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни яқинлашиб келаётгани муносабати билан иштирокчиларни самимий табриклади. Устозларга эсдалик совғалари топширилди.

**Зебунисо ЯНГИБОЕВА,**
**Диёрбек ҒАНИЕВ (фото),**
*«Ishonch» мухбирлари*





Олис манзиллар

# ҚАЙДАСАН, ДАРБОЗА?

## Ёхуд кўлнинг нарёғидаги ҳаёт

**Юрган дарё, ўтирган бўйра, дейишади. Шу боис барча ишларни четга суриб, Жиззах вилоятининг энг олис ҳудуди томон йўл олдик. Майдони 176 минг гектар, аҳолиси эса атиги 322 нафар бўлган бу манзилга боришни анчадан бери кўнгилга тугиб юргандик. Ичимлик суви ва ёнилғи захирасини ғамлаганча, Арнасой туманидан Форишнинг кўпчилик эшитган, аммо кўрмаган бепоён даштлари сари «Қайдасан, Дарбоза?» дея йўлга отландик.**








### ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ

Манзилга кетаётганда Тузкон кўлига дуч келдик. Афсуски, кўл бўйига бўғимдаги оғриқлардан халос бўлиш, шифобахш балчиққа кўмилиш мақсадида келган одамлардан уюм-уюм пластик чиқиндилар қолган. Инсоният ўз қўли билан табиатга завол келтирмоқда.

Йўлда давом этар эканмиз, дашт ҳайвонларини кўриб, табиат қонунлари ҳар жойда ҳам ўз ҳукмини ўтказишига амин бўлдик. Айниқса, Арнасой сув омборининг 2-тўғонидаги яшилликдан баҳри дилимиз очилди.

Биз кўзлаган манзил Жиззах шаҳридан 180 километр олисда. Йўлнинг катта қисми Қизилқум саҳросининг қумли сарҳадларидан ўтади. Тажрибасиз ҳайдовчилар бу йўлларда қумга ботиб ёки адашиб қолиши мумкин. Баъзан рўпарадан уч-тўртталаб йўл чиқади. Бу бежиз эмас. Сабаби, янги йўллар дарбозалик ҳайдовчилар томонидан очилар, эски йўлни эса қум босиб қолар экан. Бундай сафарга йўлбошчи билан чиққан маъқул.

Ва ниҳоят, 5 соат йўл босиб, манзилга етиб бордик. Мана, ўша машҳур Дарбоза қишлоғи. У туман марказидан 270 километр олисда жойлашган. Шунча йўл босиб келганимизга яраша, бу ердаги аҳоли, тиббиёт, таълим масканлари, одамларнинг яшаш тарзи ҳақида кўпроқ нарса билишга ҳаракат қилдик.

### ДЎКОНДАГИ ҲАНГОМА

Қишлоқдаги савдо дўкони одам аримас нуқталардан бири. Чунки маҳаллада томорқачилик ва боғдорчилик деярли йўқ. Шунинг учун сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари қўшни тумандардан, умуман, барча озиқ-овқат маҳсулотлари 110 километр масофадан олиб келинади.

Дўконда бир отахонга дуч келдик. У кундалик эҳтиёжи учун керакли озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилди-да:

– Қизим, «дафтар»ингга ёзиб қўй, пенсия кеса, ҳаммасини «раччўт» қиламан, – дея сотувчига қаради.

Сотувчи аёл қалин дафтарини очиб, қарз суммасини ёзиб қўйди.

Билсак, қишлоқдаги одамларнинг аксарияти дўкондор билан шундай ҳисоблашишар, яъни ҳамма пулни топган пайтида берар экан.

Тадбиркор Дилфуза Суюнова ҳафтада бир-икки бор Дўстлик туманига бориб, бозордан турли маҳсулотларни олиб келаркан.

### ТАЪЛИМ ҲАМ, СИФАТ ҲАМ ЯХШИ

Одамлар туман марказига бориши учун аввал Гагарин, сўнгра Жиззах шаҳридан ўтиши керак. Кўлнинг нариги томонида яшашга ҳамма ҳам чидайвермайди. Аммо, олис ҳудуд бўлса-да, ҳар қадамда давлат кўмагини ҳис қилиш мумкин.

Масалан, маҳалла марказидаги 50-умумтаълим мактабида кўрсаткичлар яхши экан. Бу йил уни олти нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, янги ўқув йилида 10 нафар ўқувчи биринчи синфга қабул қилинган. Бу ҳудуд Қозоғистон билан чегарадош бўлгани боис, узоқ йиллар қозоқ тилидан таълим тили сифатида фойдаланилган. Ҳозир 8-синфгача ўзбек синфлар очилган. Ота-оналарнинг таъкидлашича, илк бор ўзбек синфи очилганида барча хурсанд бўлган. Мактабга Андижон ва Фарғона вилоятларидан ўқитувчилар жалб этилиб, сифатли таълим берилишига эришилмоқда. Мактаб директори ҳам эндигина 27 ёшга кирган, раҳбарликка эса икки йил аввал тайинланган.

– Мактабимиз 180 ўринга мўлжалланган. Ҳозирги кунда 65 нафар ўқувчи таҳсил олади. Бу йилги битирувчиларимиздан икки нафари нодавлат олий таълим муассасасига сертификат асосида ўқишга қабул қилинди, – дейди ёш раҳбар Дилшода Раматова. – 19 нафар ўқитувчи таълим масканимизда таълим-тарбия билан машғул ва уларнинг барчаси ўзбек ҳамда қозоқ тилларида дарс бера олишади. Мактабимизда дарслар икки тилда олиб борилади. Олис ҳудуддан жалб қилинган устозлар миллий ва халқаро сертификатларга эга. Уларга барча зарур шароитлар яратилиб, ижара тўловлари ҳам тўлаб берилади. Бундан икки йил олдин янги спорт зали барпо этилганди. Ўқувчилар учун турли спорт тўгараклари мунтазам фаолият олиб бормоқда.

### НЕЧА ЙИЛЛИК ОРЗУ УШАЛАРМИКАН?

Маҳаллада мактабгача ёшдаги болалар 43 нафарни ташкил этади. Тадбиркор Зокир Суюнов оиласи билан ташландиқ бинони капитал таъмирлаб, ўз маблағи ҳисобидан мактабгача таълим ташкилоти барпо этган. Муассаса атрофига 100 туп дарахт экиб, боғ яратган. Икки нафар ишсиз аёлни Дўстлик туманидаги профессионал касб-ҳунар мактабида энагалик ва ошпазлик мутахассислиги бўйича ўқитган.

– Боғчанинг ташкил этилиши айни муддао бўлди, – дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Наргиза Суюнова. – 25 ўринга мўлжалланган боғча замонавий шарт-шароитларга эга. Яқин кунларда у тарбияланувчиларни қабул қила бошлайди.

– Уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлганимизда, фарзандларимиз ишончли қўлларда бўлишини истаймиз, – дейди Радҳа Тинибекова. — Боғчага борган бола мактабда ҳам қийналмайди. Боғчада тенгдошлари билан мулоқотда бўлади, оиладан ташқарида ўзини тутишни ўрганади. Биз ҳам фарзандларимиз боғчада тарбия топишини хоҳлаймиз.

### ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР ҚЎШНИ ТУМАНЛАРГА БОРИШАДИ

Маҳалладаги ягона тиббиёт маскани, яъни оилавий шифокорлик пунктида икки нафар шифокор ва тўрт нафар ҳамшира ишлайди. Бу ерда ижтимоий дорихона ташкил этилган бўлиб, 90 турдаги дори-дармон мавжуд. Шошилинч ҳолларда туман маркази ёки қўшни туманларга беморларни элтиш учун битта «Нива» русумли машина ҳам ажратилган.

– Ушбу аҳоли манзилгоҳи бунёд бўлибдики, бу ерда бирорта ҳам ҳомиладор аёлнинг кўзи ёримаган. Барча ҳомиладор аёллар муддати яқинлашганда қўшни тумандаги туғуруқхоналарга юборилади. Биз 90 та хонадонга хизмат кўрсатамиз. Барча эмлашлар ўз вақтида амалга оширилади. Патронаж ҳамширалар имконияти чекланган 7 нафар фуқаронинг аҳволидан доим хабар олиб туришади, – дейди ҳамшира Дилафрўз Бекиева.

### ЧОРВАНИ УНИНГ ТУЁҒИДАН ҚАТТИҚ ОДАМ БОҚАДИ

Қош қорайганда, маҳаллани ортда қолдириб, яна йўлга чиқдик. Кунботардаги гўзаллик саҳро ҳуснини очиб юборди. Қум барханлари узра табиат солган нақшлардан кўз қувнайди. Қандим, жингил, қуёнсуяк, каврак, оққурай каби ўсимликлар барқ уриб ўсиб ётган бу кенгликларни таъбир жоиз бўлса, «Ўзбекистон саваннаси» деб номлаш мумкин.

Бу ҳудудда одамлар асосан чорвачилик билан шуғулланганн боис, чўпонлар ҳаётига ҳам қизиқдик. Қишлоқда 54 та фермер хўжалиги мавжуд. Отаси изидан борган Асқар Қаршиевнинг чўпонликда тажрибаси катта.

– Чўпонликнинг ҳам ўзига яраша гашти бор, – дейди Асқар Қаршиев. – Чўпонда дам олиш куни бўлмайди. Ота-боболаримиздан қолган нақл бор, яъни «Чорвани унинг туёғидан қаттиқ одам боқади». Шу нақлга амал қиламиз. Сурувдаги ҳар бир қўйга разм солиш керак. Худога шукр, ота касбини танлаб, кам бўлмадик, ҳаммаси жойида. Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Чўпонларни ўйлантирадиган муаммолардан бири шуки, жунга харидор йўқ, уни қаерга сотишни билмаймиз. Фермер хўжаликларидан бир йилда 80 тоннагача жун чиқади. Шунингдек, тери маҳсулотлари ҳам увол бўляпти.

### СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Айдаркўл мавжлари, қумли қирғоқлар, кўл шамоли саёҳатчиларни ҳайратга солади. Маҳаллий аҳоли учун эса бу озуқа ва тирикчилик манбаи.

Маҳалла одамларининг юз-кўзларидан шукроналик ҳисси балқиб туради. Суюлтирилган газ бир ойда бир етказиб берилса ҳам, қишда печга ўтин ёқиб чиқишса ҳам, топган пуллари йўлга кетса ҳам одамлар яшаб турган жойидан норози эмас, аксинча, мамнун.

Ўзбекистоннинг яна бир бетакрор гўшасидан сафардан қайтар эканмиз, шу юртда яшаб, бир марта бўлсин даштлар бағридаги шу гўзал манзилга бормаган, Айдаркўл шаббодаси ва Ўзбекистон саваннаси гўзаллигидан баҳраманд бўлмаган инсонлар ҳақида ўйладим. Бу ерларда ҳаловат, қалб ва руҳият поклиги бор.

Дарбоза сафари бизда бир олам унутилмас таассуротлар қолдирди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**
*«ISHONCH»*

Оғриқ тишлар



# НУРАФШОННИНГ НУРСИЗ КЎЧАСИ

**Боғот туманида нурдек ёруғ ва файзли бўлсин, деган ниятлар билан «Нурафшон» шаҳарчаси ташкил қилинганди. Ўтган йиллар давомида унда янги уй-жойлар, дўконлар ва оилавий шифокорлик пункти қурилди. Ҳозир кўпқаватли тураржойлар ҳам қад ростлай бошлади.**

Ушбу шаҳарчага олиб борадиган асосий йўл бор. У халқ орасида «Оға кўча» деб ҳам юритилади. Узунлиги бир километрга яқин. Бу ерда хонадонлар ва аҳоли кўп. Аҳолини кўп йиллардан буён бир муаммо қийнаб келади.

Эзгулик кўчасида кечқурунлари юришга қўрқади киши. Охири кўринмайдиган узун кўчада биронта чироқ ёнмайди. Йўлнинг ўзи ҳам текис эмас. Ёриқлари, ўпирилган жойлар ямалавериб, ғадир-будур тошли йўлга айланган.

Асосий кўчалардан бири бўлгани учун машиналар серқатнов. Туну кун оғир юк ташувчи машиналар, енгил автоуловлар ўтади. Бунинг устига, хонадонлар йўлга жуда яқин. Ҳовли дарвозасидан, нари борса, 3 метрдан сўнг йўл бошланади. Магистрал вазифасини бажараётган йўлнинг кенглиги 6,5 метр атрофида. Пиёдалар юрадиган йўлакча йўқ.

Энг ачинарлиси, йўлда биронта пиёдалар ўтиш жойи кўринмайди. Фақат охирида – мактаб олдида битта пиёдалар ўтиш жойи бор, холос. Унга ҳам ҳайдовчилар парво қилмай, пиёдаларга йўл бермай, тўхтамай ўтади. Мактаб тўғрисига светофор ҳам ўрнатилмаган.

Радарсиз, камерасиз кўчадан автоуловлар соатига 80-90 километр тезликда ўтади. Бу кўчада қанчадан-қанча автоҳалокатлар рўй берган. Одамларни машина уриб юборган ҳолатлар ҳам кузатилган.

Туманнинг асосий кўчаларидан бирининг бундай қаровсиз, эътиборсиз ҳолати нега туман мутасаддилари ва жамоатчилигини ташвишлантирмайди?

**Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА**
*«ISHONCH»*

Долзарб мавзу

# ЮКСАЛИШНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

### ЭЗГУ УМИДИМИЗГА КУЧ БЕРАЁТГАН ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Баланд минбарлардан янграган нутқларда, давра суҳбатларида, ўзаро гурунгларда, ижтимоий тармоқларда турли воқеалар муносабати билан билдирилган фикрларда «Аёл», «Қизлар» каби сўзлар тез-тез такрорланади. Бу – бежиз эмас. Чунки ҳаётнинг жон томирлари аёл юрагидан ўтади. Ҳар бир оиланинг осойишталиги, фаровонлиги кўпроқ онанинг ақлу фаросати пойдевори устида бунёд бўлади. Меҳр-муҳаббат аталмиш ноёб туйғулар аёл юраги хазинасининг асосий ганжи ҳисобланади, бошқалар ана шу ганждан улуш олиб, маънан бойийдилар.

Бундай таърифларни яна ва яна қаторлаштириб келтириш мумкин. Шунинг учун мамлакатимиз сиёсатида хотин-қизларга эътибор устувор йўналишлардан бири саналади. Уларнинг илм олишлари, ижтимоий ҳаёт майдонларида фаол иштирок этишлари, оила мустаҳкамлиги ва фарзанд тарбиясига яна ҳам масъулиятлироқ бўлиши учун яратилаётган имконлар, берилаётган имтиёзлар йил сайин кенгаймоқда.

Баландпарвоз ифодалардан қочиб, оддий тилда айтадиган бўлсак, ишловчи аёлнинг яхши-ёмон кунда ёнида турадиган жамоаси бўлади. Унинг қалбида ўз оиласидан ташқари бошқаларга ҳам дахлдорлик туйғулари уйғонади. Касбкори бўлган, у орқали даромад топаётган аёлнинг болалари қалбида онаси билан фахрланиш туйғуси яшайди.

Ҳа, бугун опа-сингилларимиз ҳаётида умидимизга куч бераётган яхши янгиликларни кўриб турибмиз. Уларнинг жамиятда сезиларли кучга айланаётгани барча соҳалар тараққиётида сезилиб боряпти. Аммо бу янгиликлардан қанчалар хурсанд бўлмайлик, уларнинг бирортаси ҳам бизнинг аёлларимизга халқимиз, миллатимиз учун сифат белгиси ҳисобланадиган қадриятлардан узоқлашиш, уларнинг устидан чизиқ тортиш имтиёзини бермайди.

Мен бу фикрни тасодифан айтиб юборганим йўқ. Имконият ва имтиёзларни бошқачароқ талқин қилиш кайфияти ҳам пайдо бўлганки, бу ҳақда кўплашиб фикрлашиш керакка ўхшайди.

### СЕРИАЛЛАРДАГИ ЎЗ МИЛЛАТИГА ЎХШАМАЙДИГАН АЁЛЛАР

Кейинги пайтларда хусусий каналларда кетма-кет экранга чиқарилаётган сериалларга ғалати бир воқеалар кириб келган. Худди юқорида таъкидлаганимдек, аёлнинг жамиятда ўз ўрнини топишига, ишбилармонлигига алоҳида урғу берилади ва давр имкониятларидан фойдаланиб, бундай даражага эришган аёлларнинг аксарияти турмуш ўртоқларини ерга ура бошлайди, умуман, эркак зотига нописандлик унинг ҳар бир қадамида сезилади.

– Бирор нарса пиширмадингми, болалар ҳам келишингни кутиб ўтирибди...

Бу – оилабоши эрнинг гапи.

– Менинг ҳамкорларим билан учрашувим бор, ўзларинг бирор нарса қилиб, қорин тўйдиринглар...

Бу бугунги имтиёзларга таяниб, тикув цехи очган тадбиркор аёл – оила бекасининг жавоби.

Ана, сизга ишбилармон аёлнинг эрига муносабати. Тўғри, сериал муаллифи бу аёлни қачонлардир таниқли бизнесмен бўлган, энди синган, бадавлат пайтида аёлини хўрлаган эркакдан ўч олиш маъносида сюжетга киритган. Лекин бизнинг аёлларимиз табиатан бундай қилишмайди-ку. Бундай қилмаслиги керак-ку. Қолаверса, инсонларни бир-биридан узоқлаштирадиган ўч, қасос каби ҳиссиётларни бўрттириш тўғримикан? Аёлларимиз эрининг иши қай бир сабабдандир орқага кетган пайтлари ҳам:

– Ўтиб кетади бу кунлар. Аёлнинг топгани нима бўларди... Сизнинг ўша озингизда ҳам барака бор, – дея эрининг тикланиши учун куч бермайдиларми...

Бошқа бир сериалда ҳам шу кайфият. Дугонаси ёшгина аёлга маслаҳат беряпти:

– Тупур ҳаммасига. Қайнонангга, эрингга хизмат қилиб нима кўрдинг? Биринг икки бўлмади. Ана, ҳукумат иш беряпти. Топганингни ўзингга сарфла, кийин, пардоз қил, пулинг кўпайса, эринг ҳам, қайнонанг ҳам оёғингга йиқилади...

Туппа-тузук турган жувон ҳам:

– Майли, ишласам ишлай, бироқ пул топдим деганим, ўзлигимдан узоқлашиб кетаман, аёллик, келинлик бурчларимни унутаман, деганим эмас, – демайди. Аксинча, маслаҳатгўй дугонасига лаққа тушади:

– А, шундайми?.. Шундай қиламан, – дейди.

Бе, бир-иккита сериал билан ундаги кайфият бизга юқиб қолармиди, деяпсизми? Бир марта айтилган фикр шунчаки гап бўлиши мумкин. Икки марта айтилдими, у тарғибот, ташвиқотга айланади. Юқади. Ахир, миллатимизга ёт қанча нарсалар юқиб бўлди-ку. Телевидение бежиз миллионлар аудиторияси, дейилмайди. Бири-бирига уланиб экранга чиқарилаётган сериалларда иномарка миниб, баланд пошналарда юрган хотин-қизлар «Мен бу уйда ҳам эркакман, ҳам аёлман», дея кўкрагига уриб тургач, буёқда кўриб ўтирганлар «Ие, шундай дейишим керак экан-да...» деган фикрга бормайдими...

Айтилган сўз – отилган ўқ. У садоқдан чиқдими, орқага қайтариб бўлмайди. «Уни бу мақсадда айтганман» деган тушунтиришлар бекор кейин.

Ўзбек аёлини эр кишилар билан кимўзарга пойгага ундаганлар, пойгадаги ғолибликни ижобий ҳодиса сифатида тақдим қилаётганлар қаттиқ янглишадилар. Бизнинг опа-сингилларимиз «Ҳали дадангк келса, айтиб бераман», «Дадаси, сиз борсиз, биз бормиз», «Дадамиз мендан бошқанинг қўлидан таом емайди» каби бир қарашда, ниҳоятда оддий, аммо юз йилларнинг зарифлиги, назокати, ҳурматини ўзида асраб келаётган, қадриятларга айланган муомала, муносабатлараро гўзал. Уларнинг ютуқлари мана шу нуқталарда. «Ўзингиз биласиз, сиз биласиз», деган иззат билан забт қилади ўзбек аёли бош эгасининг забт қилиниши қийин қалъаларини ҳам.

Ишбилармонлик, билим, фаоллик аёл юксалишининг бир қаноти бўлса, момолардан мерос қадриятларни маҳкам ушлаш, оилада, жамият орасида ўша қадриятлар доирасида яшаш иккинчи қанотидир. Ўз миллатига ўхшамай қолган аёл ҳеч кимга ўхшамайди. Ҳеч ким бўлмаслик эса охири фожиага туташадиган йўл.

Том маънода фуқаролик жамияти қуришга астойдил интилаётган бизнинг мамлакатимизда ҳеч бир имкон, имтиёз тасодифан берилмайди. Шунингдек, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг моҳиятида ҳам инсон омилини кучайтириш, унинг қадрини жойига қўйишдек олижаноб мақсадлар ётади. Шу маънода зўравонлик ва тазйиқларга қарши курашиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни ҳам ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш керак бўлади.

«Ҳимоя ордери» тушунчаси ҳаётимизга кириб келгани хотин-қизларимизнинг ўз уйларида, жамоат жойларида ўзларини хатарсиз, ҳимояланган сезишлари учун асос бўлди. Аммо «Танганинг икки томони бор» дегандай, бу нарсалар аёлга ҳадеганда икки қўлини осмонга кўтариб, майдонга чиқиш ҳуқуқини бермайди. Эр-хотин бирор сабаб билан сан-манга бориб қолган бўлса, аёлнинг дарров мелисага чопиши тўғри бўлармикан... «Менга замон ҳақ-ҳуқуқ берди», дея эрини жазога торттирса, болалари олдида эрининг қадрини ерга урмайдими? Жазодан қайтиб келгач, эр-хотин қандай қилиб ҳеч нарса бўлмагандай бирга яшайди? Бир-бирининг кўзига қандай қарайди, совиган кўнгил қандай илийди...

Мен асло зўравонликни, жаҳолатни, қуллик ва қарамлик руҳини яратадиган онгсиз итоатгўйликни ёқламоқчи эмасман. Фақат янги имконлар ўзимизда бахт ва осойишталик учун мавжуд имконларни сиқиб ташламаслигини, ҳар иккаласи уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб яшашини истайман.

Таниқли режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг «Осмондаги болалар» фильмининг дастлабки қисмида гўзал бир эпизод бор: ичувчи эркак оилада ҳамманинг жонига теккан, ҳатто ижодкор ўғилнинг ягона қувончи бўлган камерасини ҳам нафси учун сотиб юборган. Мелиса уни олиб кетмоқчи... Ички ишларга ариза берган аёлнинг ўзи эрини машинага тиқаётганларида мелисанинг қўлига дод-войлаб ёпишади, сўнг ўғил...

Ана шу бизнинг характеримиз, табиий феъл-атворимиз. Ҳамма нарсанинг табиийси яхши бўлганидек, қонуну қарор, ундаги имтиёзлардан фойдаланиш ҳам миллий ўзликка терс келмаслиги зарур.

Модомики, гапимизнинг бир чеккаси қадриятларга келиб туташган экан, ўрни келганда яна бир фикрни айтишни жоиз деб билдим.

### ҚИЗ БОЛА – ҚИЗИЛ ГУЛ

Миллатимиз учун қиз боланинг бошқача бир ўрни бор. Биз унга фақат фарзандларимизнинг бири дебгина эмас, ор-номусимизнинг кўзгуси ҳам деб қараймиз. «Қиз бола ота-онасининг, оиласининг юзи», деган гап бекорга айтилмаган. Шунинг учун азалдан оға-инилар ўз опа-сингиллари номусини ҳар томонлама қўриқлаганлар. Қизларга қизчалар ё йигитчалардан дил изҳори ёзилган хат киритгани учун унинг акаси ёки укасидан калтак еган ошиқлар қанча?.. Жигари бўлмаса ҳам маҳалладош қизлари учун ор талашадиган йигитлар... Айниқса, бундай ор талашишлар катта шаҳарларга ўқишга келган пайтларда бор эни-бўйи билан намоён бўлади. Сурхондарёликлар Сурхон қизларига, фарғоналиклар Фарғона қизларига ўзларини жавобгар ҳисоблашади. Йўлдан оғиш бўлса, тергайди, танбеҳ беради. Кимга қандай билмадиму мен учун бу туйғулар ниҳоятда қадрли. Ана шу ҳиссиётларда мен маънавий покизаликнинг ўзимизга азиз, қадрдон сувратларини кўраман. Бу сувратлардан узоқлашганимда ишбилармон аёлнинг «мен-мен»лаганидан озорланган лаҳзаларимдан ҳам кўпроқ қийнала бошлайман.

Гап шундаки, миллий сериалларимизда яна бир ёқимсиз ҳолат такрорланяпти. Уйланмаган йигитлар турмушга чиқиб ажрашган, бахти бузилган аёлларни севиб қолишяпти. Баъзилари ота-оналарининг қаттиқ қаршилигига қарамай, улар билан бемалол турмуш қуришяпти. Баъзилари «Кетаман, қайтиб келмайман», дея ота-онасини қўрқитиб, рози қилишяпти.

Майли, ҳаётда шундай воқеалар бордир. Мен ёшгина бўла туриб, ёлғон бахтга алданган аёллар шундайича ўтиб кетсин, қайта оила қурмасин, демоқчи эмасман. Аммо бу каби воқеалар бир эмас, бир неча сериалларда такрорланиб келаётгани, ҳатто бир сериалда бир эмас, уч йигитнинг жувонларга ошиқ бўлиши тасвирланаётган экан, бу ҳодисанинг иккинчи тарафи ҳақида ўйлашимиз керак эмасмикан?.. «Бокиралик қизлар учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, у керак бўлса, уйланмаган йигитга ҳам ёр бўла олади» қабилидаги тўхтамлар чиқиб келмасмикан буларнинг орасидан?.. Агар шундай бўлса, миллатимизнинг таянч руҳий устунларидан бири ҳисобланган ор-номус тушунчаларимиз бир четкадан сўкилиб кетмайдими?..

* * *

***Биз, ижодкорлар кино ёки сериал яратамизми, китоб ёзамизми, миллатни миллат сифатида ушлаб турадиган белгилардан узоқлаштиришга хизмат қиладиган фикр беришга ҳақимиз йўқ. Бу – миллатга хиёнат бўлади!***

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими*




# БУ ТАЪЛИМГА НАВБАТДАГИ ЗАРБА ЭМАСМИ?

*Жараён*

**Таълим ҳақида гап кетса, биз «Ундоқ қилаяпмиз, бундоқ қилаяпмиз», деб оғиз кўпиртирамиз, эрта инвестиция киритишнинг афзалликлари ҳақида кўп гапирамиз. Аммо амалда-чи?...**

Бултур хориждан келган 500 нафар инглиз тили ўқитувчисининг авиачиптасидан тортиб, тураржойи харажатларигача кўтардик. Мактабларимизда дарс бергани учун камида 4000 доллардан маош бердик. Бу йил уларнинг сонини 1500 нафарга ошириш режалаштирилган. Ҳадемай кўплаб хорижлик чет тили ўқитувчилари юртимизга келгани ҳақидаги хабарлар тарқалса, ажаб эмас.

Яқинда ижтимоий тармоқларда яна бир янгилик пайдо бўлди. Тошкентда қиймати 11 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа – Мактабгача таълим тизими педагог-кадрлари малакасини оширишга мўлжалланган марказ қурилишига старт берилди. Аслида бу жуда яхши иш. Аммо, бизнинг назаримизда, у шу кунларда қисқаришга учраётган психолог, лаборант ҳамда кутубхоначи штатлари тўғрисидаги гап-сўзлар ва муҳокамалар кўпаяётган бир пайтда кўпчилик педагоглар учун қувончли янгилик бўлмади. Балки ўз педагогларимиз дипломли бўла туриб, ишидан ажралиб қолаётгани, хорижлик ўқитувчиларга эса минг долларлаб маошлар берилаётгани, катта маблағ эвазига малака ошириш муассасаси қурилаётгани сизга эриш туюлгандир. Ахир, юзлаб-минглаб кадрлар ишсиз қолиш арафасида турибди-ку...

**ШТАТЛАРНИ ҚИСҚАРТИРГАНДАН КЎРА, БИР ҚАРАСАНГ, ФИНЛЯНДИЯ ТАЪЛИМИ, БИР ҚАРАСАНГ, СИНГАПУР ТАЪЛИМИ ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎЗИМИЗДА ҚЎЛЛАЙМИЗ ДЕБ ТУРЛАНИШЛАРГА, ДАРСЛИКЛАРНИ ШУНГА МОСЛАШ БАҲОНАСИДА ҚАЙТА-ҚАЙТА ЧОП ЭТИШЛАРГА, ДАВЛАТНИНГ МИЛЛИАРДЛАБ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲАВОГА СОВУРИШГА ЧЕК ҚЎЙИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРСАК БЎЛМАЙДИМИ?**

Ваҳоланки охирги йилларда мактабларда психологик хизматлар эндигина бироз жонланаётганди. Ўқувчилар орасида ҳам олий ўқув юртларининг психология йўналишига қизиқиш, ҳужжат топшириш кўпайганди. Энди эса қисқаришга учраган штатлар эгалари, айниқса, психологларнинг фиғони фалакка чиқмоқда.

«Жумабаев» деб номланган ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси шу ҳақдаги ахборотга изоҳ ёзар экан, «Вазирликлар нега бунақа адолатсиз қарор чиқаришади? Ахир, бу кетишда жуда кўп кишилар ишсиз қолади-ку. Яна қанчадан-қанча кадрлар етишиб чиқяпти, улар нима қилишади? Олий маълумотли ишсизлар кўпаядими? Ёки улар хорижга кетиши керакми?» деган мазмунда изоҳ қолдирган. Гуллолахон Эргашева исм-шарифли фойдаланувчи эса, «Гуруҳимиз номидан айтинг, ҳамма психологлар норози денг. Чунки касбимиз орқали уйга нон олиб киряпмиз. 4 йил контракт тўлаб ўқидик. 100 миллион, 80 миллион сўмлик супер контракт тўлаб ўқиганлар ҳам бор. Оилавий шароитни ҳам тушунишсин-да тепадагилар. Камбағалликни қисқартираяпмиз, бандликка кўмаклашаяпмиз деб, аксинча, иш қилмайлик», деб ёзган.

Дарвоқе, юртимизда отаси, онаси ёки иккиси ҳам чет элга ишлашга кетгани туфайли бобоси ва бувиси, амма-холаси ёки амаки-тоғаси қўлида тарбияланаётган болалар ҳам кўп. Уларга мактабдаги психологик ёрдам жуда зарур. Аслида педагогика назариясига кўра, мактабларда ҳар 250 нафар ўқувчига бир психолог ажратилиши керак. Амалда 500 нафардан 1000 нафаргача бўлган ўқувчилар учун 0,5 штат психолог ажратилган эди. Энди эса Молия ва иқтисодиёт вазирлиги таклифига биноан, бу штатдаги лавозимлар тугатилмоқда. 1500 нафар ўқувчиси бўлган тақдирдагина мактабга 1 штат психолог лавозими берилади. Бундан ташқари, ўқувчилари сони 2 минг нафар ва ундан ортиқ мактаблардаги қўшимча 1 та психолог штат бирликлари ҳам тугатилиб, фақат иккита штат бирлиги қолдирилмоқда. Ҳолбуки, ҳозиргача уларнинг сони 3 та эди.

Боя айтганимиздек, таълим даргоҳларидаги кутубхоначи лавозимлари ҳам ўқувчилар сонига қараб ҳисобланиб, олдингига нисбатан қисқартирилмоқда. Лаборант штати эса батамом тугатилиб, унинг вазифаси табиий фан ўқитувчиларидан бирининг зиммасига юкланиши белгиланмоқда.

Энди ҳақли савол туғилади: бу ўзгаришлар шусиз ҳам сусайиб кетган таълим сифатини янада ёмонлаштирмайдими? Ёки 5-6 йилдан бери 1000 долларлик маошни кутаётган халқ таълими ходимлари ишончини сўндириб, ҳафсаласини пир қилмайдими? Штатларни қисқартиргандан кўра, бир қарасанг, Финляндия таълими, бир қарасанг, Сингапур таълими тажрибаларини ўзимизда қўллаймиз деб турланишларга, дарсликларни шунга мослаш баҳонасида қайта-қайта чоп этишларга, давлатнинг миллиардлаб маблағларини ҳавога совуришга чек қўйиш чораларини кўрсак бўлмайдими?

Қолаверса, юртимизда минглаб доллар маош олиб ишлаётган хорижлик педагоглар ҳозирги шароитда бизга керакми? Агар шу пулнинг ҳеч бўлмаганда ярмини берсак, ўзимизнинг кадрлар ҳам болаларимизга инглиз тилини яхшилаб ўргатишлари аниқ-ку! Лекин ҳозир улар маош камлиги учун мактабларга келишни исташмайди. Агар маошларни оширсак, ўқув марказларида ишлаётган юзлаб, минглаб иқтидорли ёш кадрлар, албатта, мактабларга қайтишади.

Юқорида ўқиганларингиз менинг шахсий мулоҳазаларим. Улар Молия ва иқтисодиёт вазирлигидагиларга ҳам етиб борса, хурсанд бўлардим...

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*

*Мулоҳаза*

# ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗГА БОЛТА УРМАЙЛИК

**Бугунги ҳаётимизни ижтимоий тармоқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, эндиликда кўпчилигимиз замонавий гаджетлардан тинимсиз фойдаланяпмиз, шунинг баробарида ўзимиз сезган-сезмаган ҳолда ўзлигимиздан узоқлашиб боряпмиз.**

Тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, ҳозир дунё аҳлининг 73 фоизи Интернетдан фойдаланади. Сўнгги бир йил мобайнида уларнинг сони 200 миллион нафарга ортган. Мижозларнинг 92,4 фоиз мобил қурилмалар воситасида Интернет хизматидан баҳраманд бўлади, салкам 4,7 миллион киши ижтимоий тармоқдан фаол фойдаланади. Уларнинг асосий қисмини 18-35 ёшлилар ташкил этади.

Бинобарин, Интернет аллақачонoқ ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб улгурди. Баъзи кишилар ундан эзгу мақсадда фойдаланишади, баъзилар эса аксинча йўл тутишади. Ана шунинг оқибатида бугун тармоқлар кимларнингдир дабдабали тўйларини ёки бировларга берган эҳсонларини оммага кўз-кўз қилаётган, ҳар хил бачкана қилиқлар, ҳатто уятли ҳолатлар акс этган видеолар билан тўлиб тошмоқда. Энг ачинарлиси, баъзи инсонларда худди шундай кўрсатувларни кўришга мойиллик кучли. Улар қимматбаҳо вақтларининг маълум қисмини беҳуда нарсаларга сарфлашяпти. Бу ўта ачинарли ҳол, албатта.

Ёшларни-ку, қўя турайлик, лекин катта ёшли инсонлар орасида ҳам тотализатор ўйинлар ва трейдерлар оммалашиб улгурганига нима дейсиз? Кўплаб кишилар уларга мисқоллаб топган пулларини, автомашинасини, ҳатто уйларини ҳам тикиб юборишмоқда. Бунақа ўйинлар орқали ҳеч ким бойиб кетмаслигини кўра-била туриб, унга вақт ва маблағ сарфлаш ўтакетган аҳмоқгарчилик эмасми? Аҳвол шу кетишда давом этаверса, оқибати нима бўлади? Биз ўз ҳаётимиз ва келажагимизни барбод қилмаймизми?

XXI аср том маънода ахборот технологиялари асрига айланди. Лекин бу улардан пала-партиш фойдаланиб, хоҳлаган ишни қилавериш мумкин дегани эмас. Акс ҳолда, ўша воситалар аср вабосига айланиши, биз эса ўзлигимизни йўқотишимиз тайин.

Бу билан мен ижтимоий тармоқлардан фойдаланишдан бутунлай воз кечиш керак демоқчи эмасман. Фақат «Асалнинг ҳам ози ширин» деганларидек, ҳар нарсада меъёр бўлиши лозимлигини, агар уни унутсак, хунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини, сўнгги пушаймондан эса фойда йўқлигини эслатмоқчиман. Қандай хулоса чиқариш эса, ўзингизга ҳавола...

**Мухлиса МУХТОРОВА,**
*Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро журналистика йўналиши 3-босқич талабаси*



*Сирли тарих саҳифалари*

# ЭКСТРАСЕНС ВА МУНАЖЖИМЛАР РАЗВЕДКА ХИЗМАТИДА

**Сир эмаски, бир неча ўн йиллардан бери махсус хизматлар махфий операциялар ташкил этиш ва ўтказишда экстрасенслар хизматидан фойдаланиб келади. Бу амалиётдан биринчи бўлиб америкаликлар истифода қилишни бошлашгани айтилади.**

Бундан олтмиш йиллар аввал Марказий разведка бошқармаси (МРБ) «Координатлар бўйича сканерлаш» номи остида махфий лойиҳа билан шуғуллана бошлайди. Унинг мазмунига кўра, мунажжимлик қобилиятига эга инсонлар ўрганилаётган объектнинг жуғрофий координатларини аниқлаб беришлари лозим бўлган.

Ана шундай инсонлардан бири калифорниялик полиция ходими Пэт Прайс эди. Ундан Форт-Меда-МРБ махфий базаси координаталарини тасвирлаб бериш сўралади. Прайс топшириқни нафақат тўлиқ бажаради, балки база тафсилотларини ўз кўзи билан кўриб тургандек ўта аниқ даражада ҳикоя қилиб беради.

Аввалига у бино атрофидаги пейзаж ва унинг ташқи кўринишини айтиб, кузатувчиларни лол қолдиради. Шундан кейин хаёлан Форт-Меда иншооти бўйича юриш бошлайди ва унинг ичидаги барча жиҳозлар, шу жумладан, компьютерлар моделларини тўла тасвирлайди.

Прайсдан ташқари ажойиб қобилиятга эга бошқа экстрасенслар ҳам топилади. Нью-Йорклик рассом Инго Сванн шулардан бири. Унинг ҳам имкониятларидан кўп фойдаланилади.

Энг илғор натижаларга 1974 – 1975 йилларда қатор экспериментал сеанслар ўтказган Стэнфор университети олимлари эришадилар. Америкалик парапсихологлар Гарольд Путхоф ва Рассел Тарг Европа бўйлаб саёҳатлари давомида хаёлларида гавдаланган картиналарни Висконсин штатидаги бир хизматчига юбориб туришган. Ана шундай тажрибалардан бири сифатида шу пайтгача ҳали ҳеч ким билмаган ибодатхонанинг контурини чизиб беришган.

Мазкур тажрибалар тўғрисидаги ҳисоботлар билан танишиб чиққан МРБ «хаёлий узатувчи» инсонлардан разведка фаолиятида фойдаланишга қарор қилади. Аммо бу тадқиқотни амалга ошириш учун экстрасенслардан ташқари оддий одамлар ҳам ушбу «хабарлар»ни қабул қила олармикан, деган савол ўртага чиқади.

Тадқиқот «ўта махфий» тарзда олиб борилганига қарамай, жамоатчилик ундан воқиф бўлади. Америкалик махсус хизматларнинг муваффақиятлари ҳақида журналистлар бонг ура бошлайдилар. Янада муҳими, матбуотда 1977 йилдан бери эксктрасенслар иштирокида махсус операцияларни МРБ молиятирилаётгани тўғрисида хабар тарқалади.

Газеталардан бирида Прайс ва Сванн хаёлан махфий ҳарбий иншоотларга кириб, у ердан «репортажлар» узатиб турганликлари айтилади. Хусусан, Прайс бир дақиқа ичида русларнинг Сибирдаги Ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими ҳарбий базасидаги жиҳозларни санаб беради.

Мунажжим Жозеф Мак-Монигл Совет Иттифоқи жуғрофий харитасига қараб, махфий тадқиқот марказлари тўғрисидаги сирли маълумотларни очиб ташлайди. Йигирма дақиқа давомида харитага бармоғини ниқтаб, ядро синовлари ўтказилаётган жойни аниқ кўрсатиб беради. Семипалатинск полигони ана шундай фош этилади.

1984 йили экстрасенслар Африкада махсус жиҳоз ташиб кетаётган советларнинг қирувчи самолёти ҳалокатга учрагани тўғрисида МРБга тезкор хабар етказишади, кўп ўтмай эса бу маълумот тасдиқланади.

1985 йил охирларида Қўшма Штатларнинг Ҳарбий денгиз разведкаси тахминан ўттиз экстрасенс ёрдамида советларнинг сувости кемалари жойлашувини аниқлашга муваффақ бўлган.

Совет Иттифоқи махсус хизматлари ҳам бу каби «илми-нужум»дан фойдаланишган. 1924 йилда Давлат сиёсий бошқармаси бирлашмаси (ОГПУ) таниқли телепат, гипнозчи ва ёзувчи А.В.Барченко билан яқиндан ҳамкорлик қилгани маълум.

Орадан беш йил ўтиб, Лубянка экстрасенс қобилиятига эга 12-14 ёшлардаги ўсмирларни ахтара бошлайди. Энг иқтидорлилари танлаб олиниб, совет психофизиолог Леонид Васильев томонидан ишлаб чиқилган махсус дастур асосида НКВДда ўқитилади. Натижада ноёб психосенсорлардан бир неча ўнлаб агентлар етишиб чиқади. Бу разведкачилар ортиқча ташвишсиз инсонлар билан муносабат ўрнатиб, уларни ўзларига бўйсундира олганлар, кейинчалик эса ҳамкорлик ишига жалб қилганлар.

1950 йилларда бу соҳада ҳарбий разведка мутахассислари тадқиқотлар ўтказишга киришадилар. Махсус дастур асосида разведкачилар тайёрланади. Экстрасенс болаларни қидириб топиш билан Разведка бош бошқармаси шуғулланган. Айрим маълумотларга кўра, бу экспериментлар 1980 йилларгача давом этган.

Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб мунажжимлар хизматига қизиқиш қайта тикланади. Президент Б.Ельциннинг Қўриқлаш бошқармаси ҳузурида телекинез ва парапсихологик тадқиқотлар билан шуғулланадиган бошқарма ташкил этилади. Бу иш Георгий Рогозинга ишониб топширилади. Айни йўналишдаги муваффақиятлари учун у «Кремлнинг Мерлини» ва «Погонли Нострадамус» лақабларини орттириб олгани ҳақида маълумотлар бор...

**Аброр ХОН**

**МУАССИС:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** A. Abdurahmonov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 19:30
**Topshirildi –** 19:50

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 027 та**
**Shundan:**
**7 145 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**19 083 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**8 799 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G 911**

1 2 3 4 5 6